*• Муаммо • Мулоҳаза*

# МАТБУОТ ТАРҚАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

**(Боши 1-бетда.)**

да 24290та обуна бўлган бўлса, декабрда бу 16582 тани ёки 68 фоизни ташкил қилди,

Алоқачиларимиз севиб ўқийдиган «Хабар» газетаси тиражи ҳам йил охирига бориб камайиб кетмоқда. 2000 йилнинг январь ойида обуна сони 8188 тани ташкил қилган бўлса, декабрь кўрсаткичи 3979 тани ёки 48 фоизни ташкил қилади.

Халқимизда матбуотга бўлган талаб ортиб бораётган бир пайтда бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Менинг назаримда, бунинг учта асосий сабаби бор:

Биринчидан, нашрлар сифати, мазмун-мундарижаси муштарийлар талабига жавоб бермайди. Иккинчидан, обуна нархи жуда баланд. Учинчидан, нашрнинг обуначиларга етказиб бериш билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар, яъни кеч етиб келиши ёки бутунлай етиб келмаслик ҳолларидир.

Нашрлар сифати кўп жиҳатдан тиниб-тинчимас, заҳматкаш қалам аҳлига боғлиқ. Бугунги кунда улар томонидан кўп ишлар қилинмоқда. Одамларга рост сўзни айтиш, уларни энг сўнгги янгиликлардан воқиф қилиш учун журналистларимиз астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Нашр қадри кўп жиҳатдан унинг мунтазам чиқиб туришига ҳам боғлиқ. Афсуски, кўпгина нашрлар, чунончи, «Қалб кўзи», «Меҳригиёҳ», «Ватан», «Кўзгу», «Сирли олам», «Суҳбатдош», «Тонг юлдузи», «Новый день», «Ёзувчи» ва бошқа нашрлар турли сабаблар билан чиқмай қолмоқда. Бундай ҳол почта корхоналари мавқеига ҳам, ўқувчиларнинг нашрга бўлган қизиқишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, обунани жадаллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

Таҳририятлар, нашриётлар, «Матбуот тарқатувчи» АК ва почта корхоналари ҳамжиҳатликда нашр ва уни етказиб бериш нархларини ички имкониятлар ҳисобига иложи борича камайтиришлари керак. Алоқа бўлимлари ва газета сотиш дўконларига обуна бўлиш тажрибасини кенг ёйиш керак. Бунда обуна нархи 30-40 фоиз камайиши ҳисобига обуначилар сонини кескин кўпайтириш мумкин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан кўпгина йўналишларда самолётлар биринчи рейсини янада эртароқ учишига эришиш, вилоятларда почта ташиш йўналишлари ва улар вақтини қайта кўриб чиқиш лозим. Пировард натижада ўқувчи республиканинг қайси ҳудудида бўлмасин, газетани чиққан куни ўқиш имкониятига эга бўлишига эришишимиз керак.

Нашрларнинг жойларга етиб бормаслик, ўғирлаш ҳолларига чек қўйиш учун зарур тадбирларни амалга ошириш лозим.

Яна бир муҳим омил — обуна ва чакана савдода юқори натижаларга эришган жамоа ва ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак. Матбуот тарқатиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, таҳририятлар, нашриётлар, почта корхоналарининг ўзаро шартномавий муносабатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина, матбуот тарқатиш ишида кескин бурилиш ясаб, уни замон талаби даражасига кўтариш мумкин.

***Абдусаттор ОРТИҚОВ***
***«Ўзбекистон почтаси» ДАК Бош директори ўринбосари***

# ИЛМ ОЛГАН КАМ БЎЛМАС...

**Суҳбатдошимиз – Ҳакимжон Асрорович МУҲИТДИНОВ «Халқаро Телеком» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари. У Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электралоқа факультетида таҳсил олган. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Ташаббускор ва изланувчан раҳбар. Инглиз тилини мукаммал билади.**

**Яқинда Ҳакимжон ака Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистонда халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тизимларини такомиллаштириш» мавзусидаги магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.**

– Ҳакимжон ака, аввало сизни муваффақиятли ҳимоя ҳамда магистрлик даражасини олганингиз билан табриклаймиз.

– Раҳмат.

– Мазкур нуфузли академияда ўқиш барчага ҳам насиб этавермайди. Сиз қандай қилиб академия тингловчиси бўлиб қолдингиз?

– Академияда ўқишга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан таклиф қилиндим. Тўғриси, ўзим ҳам ана шундай нуфузли билим даргоҳида ўқишни ният қилиб юрар эдим. Махсус тест синовлари, суҳбат ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, академиянинг «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультетида ўз билимимни ошириш имкониятига эга бўлдим.

– Академиядаги ўқиш жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз?

– Академияда ўқитиш жараёни жуда пухта ташкил қилинган. Биз турли соҳадан келган тингловчилар ўттиз тўрттадан зиёд фан бўйича курсларда 1999 йилнинг сентябрь ойидан жорий йилнинг 15 майигача ўқидик.

Кўплаб машғулотларда қатнашдик. Олган билимларимиз тез-тез тест синовларидан ўтказилиб турилди. Шунингдек, ҳар бир тингловчи ўз соҳаси муаммолари, иш тажрибалари, маркетинг изланишлари ҳақида илмий-таҳлилий рефератлар ёзишди. Мен ҳам 1994-1999 йилларда соҳадаги ўзгаришлар, энг илғор иш тажрибалари, маркетинг ва менежментни тармоғимизда тадбиғи ҳақида таҳлилий реферат ёздим. Ушбу реферат диссертациямнинг асоси бўлди.

Ўқиш давомида бизга бошқа давлатлардан келган мутахассислар, Конрад Аденауэр, ЮСАИТ, «JICA» ташкилотлари, Бутунжаҳон банки, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки вакиллари маърузалар ўқишди. Амалий машғулотлар давомида қўшма корхоналарда иш олиб боришни ўрганиш мақсадида «Совпластитал», «Тўйтепа текстил», «СамКочавто» ва бошқа қўшма корхоналарда бўлдик. «Тошкент» республика фонд биржасида эса қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолияти билан яқиндан танишдик.

– Ҳакимжон ака, академияда асосан раҳбар-мутахассислар таҳсил олишади. Академияда бошқарув маҳорати ҳам ўргатиладими? Умуман, бугуннинг раҳбари қандай бўлиши керак?

– Саволингиз ўринли. Бирга ўқиган тингловчиларнинг аксарияти турли раҳбарлик вазифаларида хизмат қилишади. Табиийки, ўзаро суҳбатлашганимизда ҳар ким ўз соҳасининг муаммо-ютуқларини гапирар эди.

Академияда турли соҳа вакилларини бир жойга тўплаб ўқитишдан кўзланган мақсадлар ҳам бошқа соҳалар ҳақида тасаввуримизни бойитиш эди. Академияда «Бошқарув психологияси», «Менежмент», «Дипломатия ва этика» ҳамда бошқарув илмини ўргатувчи кўплаб фанлар ўқитилади. Бу бўлажак раҳбарлар учун жуда муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар нафақат тадбиркор, ишбилармон, балки маънавиятни, маърифатни тушунадиган, ўз халқи тарихини яхши биладиган инсон бўлиши керак. Шулар билан бир қаторда бугуннинг раҳбари ҳеч бўлмаганда битта хорижий тилда эркин гаплаша оладиган, компьютерда ишлашни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқ илмидан бохабар мутахассис бўлиши лозим. Шунингдек, у давлат сиёсатини теран ҳис қилиши, уни амалиётда қўллай олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Биз юртимиз тарихий обидалари билан яқиндан танишдик, жумладан, Имом ал-Бухорий мажмуаси ва бошқа тарихий ёдгорликларни ўргандик. Ойбек уй музейи ва А. Навоий музейларида бўлдик. Айниқса, дин вакиллари билан учрашганимиз, «Демократия ва дин» деб номланган халқаро симпозиумда қатнашганимиз бизда катта таассурот қолдирди.

Академияда раҳбар учун зарур бўлган жуда кўп нарсаларни ва ҳозирги шароит талабларига мос келувчи илм ва амалиёт билимларини ўргандим. Илмни бежиз хазинага ўхшатишмайди. Уни ўрганганингиз сари ҳали кўп нарсани билмаслигингизни ҳис қилиб бораверар экансиз. Шундай нуфузли билим даргоҳида таҳсил олганимдан хурсандман. Академияда дарс берган мураббийлар ва биз билан бирга ўқиган турли соҳа вакилларида яхши таассурот қолдирдик деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу билим даргоҳида ўқишим учун кўмаклашган соҳа раҳбариятига ўз ташаккуримни билдираман. Биздан кейин академияга навбатдаги ўқишга борадиган соҳамиз вакилларига омад тилайман. Соҳамиз ривожи учун астойдил меҳнат қилиб, ўрганганларимни тармоғимизда тадбиқ этиш ниятидаман.

***Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ***
***суҳбатлашди***


# ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

**2000-2001 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратурага қабул эълон қилади:**

**бакалавриат йўналиш шифри ва номи (ўқиш муддати кундузги(к) бўлимда 4 йил, сиртқи (с) бўлимда 5 йил):**

B341100 – Менежмент (соҳалар бўйича) (к, с);
B163600 – Телекоммуникациялар (касбий-педагогик тайёргарлик) (к);
B522300 – Телекоммуникациялар (к, с);
B522500 – Радиотехника (к);
B522600 – Информатика ва информацион технологиялар (к);
B840500 – Почта хизмати (к).

**магистратура йўналиш шифри ва номи (ўқиш муддати бакалавриатни битирганларга 2 йил, дипломли мутахассисларга 1 йил):**

M341101 – Телекоммуникация корхоналарида менежмент;
M522301 – Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари;
M522302 – Узатишнинг телекоммуникацион тизимлари;
M522303 – Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение;
M522305 – Телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминоти;
M522309 – Телекоммуникациялар бўйича педагог;
M522315 – Телекоммуникация тизимлари жиҳозларини йиғиш;
M522318 – Электралоқанинг бошқарув тизимлари ва рақамли техника.

Институт замонавий жиҳозланган ўқув-лабораториялари, ўқув хоналари, вилоятлардан келганлар учун талабалар уйи (ётоқхона), дам олиш ва соғломлаштириш мажмуалари ва ҳар хил турдаги спорт майдончаларига эга.

Хоҳловчилар жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлигача (шу куни ҳам) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- таълим йўналиши ва ўқув йили кўрсатилган ариза;
- маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Абитуриентлар томонидан паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари бакалавриатнинг кундузги ва сиртқи бўлимлари учун 1 август, магистратура синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

**Манзилимиз: Тошкент-84, Амир Темур кўчаси, 108 уй.**

**Автобуслар: 9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 93, 95, 115.**

**Трамвайлар: 2, 3, 16, 25, 28, 29, 29 «Интерконтинентал меҳмонхонаси» бекати**


Термиз шаҳрининг Педагогика кўчасида яшовчи мижозларимиздан бир гуруҳи телефонлари ишламаётганидан шикоят қилиб қолишди. Мутахассисларимиз зудлик билан бунинг сабабини аниқлашга отланишди. Маълум бўлишича, 70 метр кабель номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган. Суриштирувлар шуни кўрсатдики, бу безорилик болалар томонидан амалга оширилган экан.

Хўш, нега шундай бўлди?

# БЕЗОРИ БЎЛМАГИН, БОЛАЖОН...

Уларни бу қинғир йўлга кимлар бошлаган? Саволнинг кўндаланг қўйилиши бежиз эмас. Ҳозир ҳеч қаерда ишламасдан, пул топишга ружу қўйганлар кўпайиб қолган. Бизнингча, кабелнинг ўғирланишида иштирок қилган болаларга ўша ёмон ниятли кишилар бош бўлишган. Акс ҳолда мактаб боласи кабель ўмариш учун вақт топмаган бўларди.

Хуллас, мижозларга маънавий, алоқачиларга молиявий зарар етказилди. 20 хонадондаги телефонни ишлатиш учун 70 метр кабель ўрнини тиклашга тўғри келди. Ҳозирги бозор шароитида бу кўргилик ходимларимиз учун ортиқча ташвиш бўлди.

Афсуски, юқоридагидай нохушликлар тез-тез учраб турибди. Натижада шаҳарда таксофонлар ўрнатишнинг иложи бўлмай қолди. Ҳатто кабель қудуқларининг қопқоқлари ҳам олиб кетилмоқда. Шу боис бу йилдан эътиборан қопқоқларни пайвандлаб қўйишга мажбур бўлдик. Айни пайтда шкафларни сигнализациялаштиришга ва уни кроссга ўрнатишга эришдик. Тўғри, қурилаётган чора-тадбирлар ҳар қалай ўз самараларини бермоқда. Назоратни кучайтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ёрдамига эҳтиёж сезяпмиз. Ваҳоланки, ўтган йил июнь ойида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан Республика ички ишлар вазирлиги, «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси билан вилоят ички ишлар бошқармаси ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолаган эдилар. Афсуски, бу меъёрий ҳужжатлар ўз ижросини топмаяпти. Оқибатда телефон кабелларини қирқиш ва ўғирлаш каби жиноятлар такрорланиб, мижозларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти.

Бизнингча, «Соғлом авлод» Давлат дастури аввало оилалардан, бола тарбиясидан бошланмоғи лозим. Агар фарзандларимизни «безори бўлмагин, болажон» деб, яхши тарбияласак, улар ҳеч қачон ёмон йўлга юрмайди, ёмонларга эргашмайди.

***Насиба АБДУРАҲМОНОВА,***
***Термиз шаҳар телефон тармоғи ходими***

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

# «ТИЛСИЗ» ТЕЛЕФОН

Исроиллик олимлар мутлақо янги турдаги телефон ихтиро қилдилар. Унинг ёрдамида кар-соқовлар узоқдан туриб бир-бирларини бемалол тушунишади. Бу алоқа тизими беш клавишли бўлиб, рақамли тугмаларни босиш йўли билан берилган сигналларни телефоннинг бошқа томонида турган кар-соқов бармоқлари билан пайпаслаб қабул қилади.

Сигнал вибрация (товушнинг титраб, паст-баланд бўлиши)га асосланган бўлиб, ҳозирги вақтда олимлар турли частотадаги вибрацияларни комбинация қилиш йўли билан ҳар хил сўзларни ифодалашга интилишмоқда.

Уларнинг фикрича, бор-йўғи уч частотадан фойдаланиб, 5 минг сўздан иборат луғат тузиш мумкин экан.

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

COSCOM GSM *уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!*

# ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШИШ ОДОБИ

Қўнғироқ қилаётган ким? У дўст ё дугона, суюкли маҳбуб ё маҳбуба, ё бошлиқ бўлиши мумкин. Телефон орқали сўзлашувда энг асосийси – аввало ўзини таништириш ва қўнғироқ қилишдан мақсад нималигини аниқ баён этиш. Хусусан, хизмат телефонидан фойдаланаётган одам бу қоидаларни яхши билиши ва ҳар доим назарда тутиши мақсадга мувофиқдир.

Одатда, иш юзасидан қўнғироқ қилинаётганда, гапни аввало ўз фирмаси ва мансаб, лавозимини айтишдан бошлаш лозим. Шахсий масала юзасидан иш жойига кўп қўнғироқ қилиш дуруст эмас.

Айтайлик, биронтаси қўнғироқ қилиб, ҳозиргина бирон юмуш билан ташқарига чиққан ҳамкасбини, ҳаммаҳалла қўшниси ё эрини сўради. Дарҳол «Кимсиз?» деб сўроққа тутиш яхшимас. Тарбияли одам албатта сизнинг телефон орқали сўзлашиш одоби ва қоидаларидан бехабарлигингизни сезади. Юқоридагидай ҳолатларда яхшиси телефон қилувчига маъқул ахборотни бериб, хушмуомалалик билан «нима деб қўяй» деб сўраш керак. Эрталаб барвақт ва кечқурун соат ўнлардан кейин бировларга қўнғироқ қилиш одобдан эмас.

Мабодо, сўзлашув пайтида алоқа бирдан узилиб қолса, қўнғироқ қилган одам қайта теради.

Яна бир умумий қоида: ким қўнғироқ қилган бўлса, сўзлашувни ҳам ўша одам якунлайди. Суҳбатга нуқта қўйиш ҳуқуқини, истисно тариқасида ёш ва амал жиҳатдан катталарга бериш мумкин.

Ҳазиллашмоқчи бўлсангиз, аввало ҳамсуҳбатингизнинг кайфияти қандайлигини унинг сўзлаш оҳангидан англаб олинг ва ана шу оҳангга мос равишда гапириш пайида бўлинг.

Телефонда сўзлашаётганда кўп «ҳасрат қилишдан» мумкин қадар тийилишга ҳаракат қилинг. Сиз эрингиздан ё болангиздан шикоят қилаётганингизда ёки харид қилган нарсаларингизни мақташга тушиб кетган пайтингизда нариги томондаги одам телефон гўшагини елкаси билан қулоғи орасига қистирганча зарур ишини давом эттириб, азбаройи кўнглингиз учун гапларингизни тинглаб турган бўлиши мумкин. Яхшиси, аёлларга хос, сизларнинг жони-дилингиз бўлган бундай мавзудаги суҳбатни юзма-юз учрашув пайтига қолдиришга сабрингиз чидасин.

Телефон қилувчининг илтимоси билан кимнидир телефонга чақирар экансиз, гўшак микрофонининг сезгирлигини унутманг. Ўзингизча, гўё гўшакни нарироқ тутиб турган бўлсангиз ёки аппаратдан узоқдаман деб ўйласангиз ҳам, ўз шаънига нисбатан айтилган гапни нариги томондаги одам эшитиб қолиши мумкин. Ҳа, кейин, нариги томондаги кимса Сиз нотаниш ёки сўзлашишга ноқулай бўлганингиз учун тортиниб, мақсадни тушунтиришга қийналиб, секинроқ гапирса ё мужмалланса ёки техник сабабларга кўра овоз яхши эшитилмаса, гарчи ўзингизни тутиш қийин бўлса-да, бақириб, бечорани телефон қилганига пушаймон қилдириб юборманг. Ҳарқалай, сиз ўзингизни маданиятли кишилар сирасидан деб билсангиз керак, «яхши эшитилмаяпти, қайта қўнғироқ қилинг», денг. Зеро, телефонда сўзлашиш одоби шундай муомалани тақозо этади. Қолаверса, кап-катта одам бекорчиликдан ёки сизни калака қилиш учун қўнғироқ қилмаслигини унутманг.

Телефон — шубҳасиз энг қулай дастёр, лекин ундан ҳадеб фойдаланавериш ҳар доим ҳам ўринли бўлавермайди. Мисол учун, тантанали маросимларга таклиф ёзма равишда етказилмоғи керак.

Шунингдек, бошқалар аппаратидан ҳам жуда зарур бўлиб қолгандагина фойдаланиш мумкин. Қўшниникида, гарчи уй эгаси одоб юзасидан нариги хонага чиқиб кетган бўлса-да, телефон гўшагига ёпишиб олиб тураверишъ ҳарқалай фаросатдан эмас.

***Матбуот материаллари асосида тайёрланди***

## КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАДИ?

Гёте бир куни хотинига мурожаат қилган экан: «Яқин бир ҳафта ичида мени бутунлай тинч қўй, иукса бутун режаларим чиппакка чиқиб кетиши турган гап».

* * *

Бальзак туни билан ёзиб чиқиб (бу пайтда у ўзига мақбул усулда тайёрлаган қора кофени тўхтовсиз ичарди), тонг ёришиши билан деразаларга қора пардани тортиб қўярди-да шамларни учирмай, шитоб билан ёзишда давом этарди.

* * *

Достоевский кўпинча фақат тунлари ёзган.

* * *

Жорж Санд ҳар куни кеч соат ўн бирларгача ёзаркан. Хотирлашларича, мабодо у соат ўн яримда романига охирги нуқтани қўйган бўлса, шу захоти бошқа бир романини ёзишга киришаверган. Унинг ҳақида «Романларни гўё хоним пайпоқ тўқигандек тўқиб ташлайвераdи» деб ҳазил қилишар экан.

* * *

Айрим адиблар баъзида асарларини айтиб ёздирганлар (диктовка усули). Ҳенрих Хейне бетоблиги туфайли шундай қилишга мажбур бўлган.

* * *

Гёте ҳам диктовка усулини кўп қўллаган.

* * *

Анатоль Франс илҳом келиб қолганда нима дуч келса, шунга ёзиб қўяверган, ҳеч қачон қоғоз ғамлаб қўймаган. У эски хатжилдлар, таклифномалар, хатларнинг, газета-журналларнинг оқ жойларига ёзгани маълум.



Ёзда чўмилиш маза-да...

● *Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

# ҚАБР ТОШИНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Тошкентнинг Оқмачит маҳалласида Тоҳир ака деган таксичи бор эди. Толиб Йўлдош иккимиз ўша ердаги Маҳмуд мўйловнинг чойхонасида ўтирганимизда келиб, суҳбатимизга қўшилди-да, гап орасида ғаройиб бир воқеани ҳикоя қилиб берди:

– Бир куни ўрис мозор ёнидан ўтиб кетаётиб, қабристон ташқарисида ётган каттакон силлиқ мармар тошни кўриб қолдим. Қарасам, устида ҳеч қанақа ёзуви йўқ. Керак бўлиб қолар дедим-да, битта юк машинасини тўхтатиб, ортдим. Уйимга олиб келдим-да, ҳовлига кираверишдаги йўлакка, дарвозахонага қўйдим. Лекин ўша кундан бошлаб тинчим йўқолди. Қачонки, кеч бўлганда ҳовлига чиқсам, соя шаклида юрган ҳар хил одамларни кўраман, шивир-шивир овозлар эшитилади. Қоронғи тушди дегунча ҳовлига чиқишга юрагим бетламай қолди.

Бир куни хотиним нолиб қолди:

– Шу тош ўлгурни йўқотинг. Шу зорманда уйга келдию, тинчим йўқолди. Қоронғуда ҳовлига чиқишга юрагим бетламаяпти.

Менга кўринган нарсалар унга ҳам кўринган экан. Ўйлаб-ўйлаб бир яҳудий ошнамнинг олдига бордим. Тошни роса мақтадим. Олиб қўйгин, сенга керак бўлар дедим. Хуллас, мақтаб-мақтаб пулладим. Келиб олиб кетди. Уч кундан кейин ҳовлиқиб келди.

– Менга нима сотган эдинг? – деди у.

– Нима гап? – дедим масалага дарров тушунган бўлсам ҳам.

У бўлган воқеани айтиб берди. Бизга кўринган нарсалар унга ҳам кўринган экан.

– Энди гап бундоқ, – деди у. – Сенга берган пулимдан кечдим. Битта юк машинасини топ. Кира ҳақини ўзим тўлайман. Ўша тошни менинг уйимдан йўқотайлик.

Мен кўндим. Икковлашиб қабристонга, ўз жойига олиб бориб қўйдик. Шундан кейин қабристондан ҳеч нарса олмайман деб қасам ичдим.

***Азиз АБДУРАЗЗОҚ***

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик Бош директори ўринбосари А. Жикаевга отаси

**Алексей Георгиевич ЖИКАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Электромагнит Мослашув Маркази жамоаси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари А. Жикаевга отаси

**Алексей Георгиевич ЖИКАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Сирдарё вилояти давлат алоқа инспекцияси бошлиғи А. Худойбердиевга акаси

**Балхи ХУДОЙБЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Навоий вилояти давлат алоқа инспекцияси инспектори Э. Облоқуловга отаси

**АБДИ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари А. Жикаевга отаси

**Алексей Георгиевич ЖИКАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

●

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**
**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

●

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.
Буюртма № Г-642.
5757 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**
**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 18.00
123456